

**ЎЗБЕКИСТОН МИЛЛИЙ УНИВЕРСИТЕТИ ҲУЗУРИДАГИ
ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ
DSc.03/30.12.2019.Gr.01.06 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ
АСОСИДА ТУЗИЛГАН БИР МАРТАЛИК ИЛМИЙ КЕНГАШ**

ҚОРАҚАЛПОҚ ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ

РЕЙМОВ ПОЛАТ РАСБЕРГЕНОВИЧ

**ЖАНУБИЙ ОРОЛБЎЙИНИНГ ГЕОЭКОЛОГИК МУАММОЛАРИ:
КАРТАЛАШТИРИШ ВА КОСМИК МОНИТОРИНГ АСОСИДА
УЛАРНИ БАРТАРАФ ЭТИШНИНГ МЕТОДОЛОГИК ЖИҲАТЛАРИ**

11.00.06 – Геодезия. Картография

**ГЕОГРАФИЯ ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАН ДОКТОРИ (DSc)
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

Тошкент – 2022 й

УДК: 528.1:504.75:631.1(575.1)

**География фанлари доктори (DSc) диссертацияси автореферати
мундарижаси**

**Оглавление автореферата диссертации доктора
географическим наук (DSc)**

**Content of dissertation abstract of doctor
geographical sciences (DSc)**

Реймов Полат Расбергенович

Жанубий Оролбўйининг геоэкологик муаммолари: карталаштириш ва космик мониторинг асосида уларни бартараф этишнинг методологик жиҳатлари3

Реймов Полат Расбергенович

Геоэкологические проблемы Южного Приаралья: методологические аспекты их решения на основе картографирования и космического мониторинга.....31

Reymov Polat Rasbergenovich

Geoecological problems of the Southern Aral region: methodological aspects of their solution on the basis of mapping and space monitoring.....59

Эълон қилинган илмий ишлар рўйхати

Список опубликованных работ

List of published works.....63

**ЎЗБЕКИСТОН МИЛЛИЙ УНИВЕРСИТЕТИ ҲУЗУРИДАГИ
ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ
DSc.03/30.12.2019.Gr.01.06 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ
АСОСИДА ТУЗИЛГАН БИР МАРТАЛИК ИЛМИЙ КЕНГАШ**

ҚОРАҚАЛПОҚ ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ

РЕЙМОВ ПОЛАТ РАСБЕРГЕНОВИЧ

**ЖАНУБИЙ ОРОЛБЎЙИНИНГ ГЕОЭКОЛОГИК МУАММОЛАРИ:
КАРТАЛАШТИРИШ ВА КОСМИК МОНИТОРИНГ АСОСИДА
УЛАРНИ БАРТАРАФ ЭТИШНИНГ МЕТОДОЛОГИК ЖИҲАТЛАРИ**

11.00.06 – Геодезия. Картография

**ГЕОГРАФИЯ ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАН ДОКТОРИ (DSc)
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

Тошкент – 2022 й

Фан доктори (DSc) диссертацияси мавзуси Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Олий аттестация комиссиясида B2022.1.DSc/Gr41 рақам билан рўйхатга олинган.

Докторлик диссертацияси Қорақалпоқ Давлат университетида бажарилган.

Диссертация автореферати уч тилда (Ўзбек, рус, инглиз (резюме)) Илмий кенгаш веб-саҳифасида (www.nauka.nuu.uz) ва "ZiyoNet" Ахборот таълим порталида (www.ziyounet.uz) жойлаштирилган.

Расмий оппонентлар:

Сафаров Эшкабул Юлдашевич,
техника фанлари доктори, профессор

Суюнов Абдусоли Саматович
техника фанлари доктори, профессор

Аденбоев Бахтиёр Ембергенович
география фанлари доктори

Етакчи ташкилот:

**Ўзбекистон Республикаси Фанлар
Академияси Сейсмология институти**

Диссертация химояси Ўзбекистон Миллий университети ҳузуридаги илмий даражалар берувчи DSc. 03/30.12. 2019.Gr.01.06 рақамли Илмий кенгаш асосида тузилган бир марталик илмий кенгашнинг 2022 йил «4» август соат 10⁰⁰ даги мажлисида бўлиб ўтади (Манзил: 100174, Тошкент, Университет кўчаси, 4-уй. Тел.: (+99824) 227-72-24, факс: (+99824) 246-53-21, 246-02-24. E-mail: geografiya.nuuz@mail.ru. (Ўзбекистон Миллий университети, География ва табиий ресурслар факультети).

Докторлик диссертацияси билан Ўзбекистон Миллий университетининг Ахборот-ресурс марказида танишиш мумкин. (№ 79 рақам билан расмийлаштирилган). Манзил: 100195, Тошкент ш, Университет кўч. 4 уй. Ўзбекистон миллий университети. Тел.: (+99871) 246-67-71.

Диссертация автореферати 2022 йил «25» июль куни тарқатилди
(2022 йил «25» июлдаги 41-рақамли реестр баённомаси)



Н.И.Сабитова

Илмий даражалар берувчи бир марталик
Илмий кенгаш раиси, г.ф.д., профессор

Ш.М.Шарипов

Илмий даражалар берувчи бир марталик
Илмий кенгаш илмий котиби, г.ф.н., доцент

З.Н.Тожиева

Илмий даражалар берувчи
илмий кенгаш қошидаги илмий
семинар раиси, г.ф.д., профессор

КИРИШ (фан доктори (DSc) диссертацияси аннотацияси)

Диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати. Жаҳонда ҳозирги кунга келиб табиий экотизимлар инсоннинг таъсири остида сезиларли даражада ўзгармоқда. Барча табиий зоналар ва минтакаларда кузатилаётган ушбу жараёнлар айниқса арид ҳудудлар ва дельта текисликларида яққол намоён бўлмоқда. Бу муаммоларнинг олдини олиш, уларга қарши курашишга ҳалқаро ташкилотлар, жумладан, БМТнинг 2030 йилгача барқарор ривожланиш бўйича дастурида “ер усти экотизимларини муҳофаза қилиш ва тиклаш, чўлланишга қарши курашиш, экологик вазиятни яхшилаш ва иқлим ўзгариши оқибатларини юмшатиш”¹ вазифалари белгиланган. Мазкур вазифаларнинг ечимида масофадан зондлаш ва геоахборот карталаштиришнинг замонавий технологияларини фойдаланган ҳолда геоэкологик мониторинг олиб бориш орқали экотизимларнинг ҳозирги ҳолати, динамикаси ва ўзгаришини таъминловчи геоэкологик таҳлил қилиш натижасида қарор қабул қилиш тизимини яратиш алоҳида долзарблик касб этади.

Жаҳонда мазкур йўналишдаги тадқиқотларга, айниқса, мураккаб экологик шароитдаги чўллашаётган ва деградацияга учраётган ерларнинг мониторингини олиб бориш, уларнинг экологик ҳолатини яхшилаш ва оқилona фойдаланиш усулларини такомиллаштиришга устувор аҳамият берилмоқда. Шунингдек, қатор соҳаларда кенг фойдаланиб келинаётган ГАТ технологиялари орқали геомаълумотлар базасини яратиш, ер юзасининг кўп зонали тасвирларини талқин қилиш ва ландшафт турларини ягона методологик ёндашув доирасида дешифрировка қилишнинг математик усулларини интеграциялашга алоҳида эътибор берилмоқда.

Республикамизда атроф-муҳитни муҳофаза қилиш, жумладан, чўллашишга қарши курашиш, ерларнинг деградациясини олдини олиш, биологик хилма-хилликни сақлашга қаратилган қатор ислохотлар амалга оширилмоқда ва ижобий натижаларга эришилмоқда. 2022-2026 йилларга мўлжалланган Янги Ўзбекистоннинг тараққиёт стратегиясида “аҳоли саломатлиги ва генофондига зиён етказадиган мавжуд экологик муаммоларни бартараф этиш, экология ва атроф-муҳитни муҳофаза қилиш”² юзасидан муҳим вазифалар белгилаб берилган. Бу борада, Оролбўйи ҳудудларида масофадан зондлаш усулларида фойдаланишни такомиллаштириш ва экотизимлар трансформациясини космик мониторинг ва карталаштириш асосида экологик муаммоларни бартараф этиш ва экологик шароитни яхшилашга йўналтирилган илмий тадқиқотлар муҳим аҳамият касб этади.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 30 октябрдаги ПФ-5863-сон “2030-йилгача бўлган даврда Ўзбекистон Республикасининг атроф-

¹ <https://www.uz.undp.org/content/uzbekistan/en/home/sustainable-development-goals.html>

² Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2022 йил 28 январдаги ПФ-60-сон “2022-2026 йилларга мўлжалланган Янги Ўзбекистоннинг тараққиёт стратегияси тўғрисидаги” Фармони.

муҳитни муҳофаза қилиш концепциясини тасдиқлаш тўғрисида”ги Фармони, 2019 йил 22 февралдаги ПҚ-4204-сон “Ўзбекистон Республикасида чўлланиш ва қурғоқчиликка қарши курашиш бўйича ишлар самарадорлигини ошириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги, 2018 йил 16 октябрдаги ПҚ-3975-сон “Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Оролбўйи халқаро инновация марказини ташкил этиш тўғрисида”ги Қарорлари, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2019 йил 11 июндаги 484-сон “2019-2028 йиллар даврида Ўзбекистон Республикасида биологик хилма-хилликни сақлаш стратегиясини тасдиқлаш тўғрисида”ги, 2022 йил 21 февралдаги 83-сон “2030-йилгача бўлган даврда барқарор ривожланиш соҳасидаги миллий мақсад ва вазифаларни амалга оширишни жадаллаштириш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги қарорлари ҳамда мазкур фаолиятга тегишли бошқа меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларда белгиланган вазифаларни амалга оширишда ушбу диссертация тадқиқоти муайян даражада хизмат қилади.

Тадқиқотнинг республика фан ва технологияларни ривожлантиришнинг устувор йўналишларига мослиги. Мазкур тадқиқот республика фан ва технологияларни ривожлантиришнинг V. «Қишлоқ хўжалиги, биотехнология, экология ва атроф муҳит муҳофазаси» ва VIII. «Ер ҳақидаги фан» устувор йўналишлари доирасида бажарилган.

Диссертация мавзуси бўйича хорижий илмий тадқиқотлар шарҳи³. Геоэкологик муаммоларни олдини олиш ва бартараф этишда геоахборот технологияларини кенг жорий этиш, табиий жараёнларни моделлаштириш, масофадан зондлаш усулларини кенг қўллашга йўналтирилган илмий изланишлар дунёнинг етакчи ташкилотлари, илмий марказлари ва олий таълим муассасалари, жумладан: Европа космик агентлиги (“ЕРА”), “DLR” (Германия), “NASA”, “USGS”, “NOAA (АҚШ)”, “JAXA” (Япония), “CNSA” (ХХР), “АЕВ” (Бразилия), “ISRO” (Ҳиндистон), “Роскосмос” (Россия) кабиларда олиб борилмоқда.

Космик карталаштириш ва чўллашаётган ҳудудларни геоэкологик ўрганишда ГАТ технологияларини қўллаш бўйича жаҳонда олиб борилган тадқиқотлар натижасида қуйидаги илмий-амалий натижалар олинган, жумладан: космик карталаштириш ва чўллашаётган ҳудудларни геоэкологик ўрганишда масофадан зондлаш усуллари асосида Ҳиндистоннинг геоэкологик карталари серияси яратилган (Ҳиндистон, “CAZRI”)⁴; чўлларнинг космик мониторинги технологиясини ишлаб чиқилган (Хитой, “XKL of RS and GIS”)⁵; сунъий йўлдош маълумотлари ёрдамида қурғоқчиликнинг ўсимликларга таъсири мониторингини олиб бориш тизими яратилган (АҚШ, “ARSC”)⁶; ГАТ ва космик суратларни қайта ишлаш бўйича

³ Диссертация мавзуси бўйича хорижий илмий тадқиқотлар шарҳи: www.dlr.de/EN/Home/home_node.html, <https://www.nasa.gov>, <https://www.usgs.gov>, <https://www.noaa.gov>, <https://global.jaxa.jp>, <http://cnsa.gov.cn>, <https://www.isro.gov.in>, <https://www.roscosmos.ru>, <https://www.gise.in>, <http://english.egi.cas.cn/rh/rd/xjygs/> ва бошқа манбалар асосида ишлаб чиқилган.

⁴ <https://www.gise.in/>

⁵ <http://english.egi.cas.cn/rh/rd/xjygs/>

⁶ <https://environment.arizona.edu/projects/arizona-remote-sensing-center-arsc>

оригинал платформа (“SPRING” ва “PRODES” лойиҳалари) яратилган (Бразилия, “INPRE”); масофадан зондлаш технологиялари асосида чўллашишни ва экотизимларнинг трансформациясини карталаштириш методологияси такомиллаштирилган (Россия – МДУ, МИИГАиК, РФА География институти); масофадан зондлаш маълумотларини интеграциялаш орқали курғоқчил ҳудудларда барқарор қишлоқ ҳўжалиги мониторинги яратилган (Ливан, “ICARDA”).

Жаҳонда геоэкологик тадқиқотларда космик мониторинг ва карталаштириш асосида уларни бартараф этиш бўйича қуйидаги устувор йўналишлар бўйича изланишлар олиб борилмоқда: чўллашиш муаммосининг сабабларини ўрганишда микдорий усулларни қўллаш; жадал трансформацияланаётган экотизимларни масофадан зондлаш ва ГАТ технологиялари асосида оператив карталаштириш; ҳудудларни бошқариш учун масофавий ҳамда картографик мониторинг тизимини яратиш; мураккаб экологик шароитдаги чўллашаётган ва деградацияга учраётган ерларнинг ҳолатини ўрганишда инструментал ва космик маълумотлардан фойдаланиш усулларини такомиллаштириш; трансформацияланган ва чўлланган экотизимларининг ГАТ технологияларида геомаълумотлар базасини яратиш; масофавий зондлаш ва космик мониторинги усулларини такомиллаштириш.

Муаммонинг ўрганилганлик даражаси. Чўлланиш муаммолари кўп йиллар давомида география фанининг диққат марказида бўлиб келган. Чўлланган ҳудудларни тадқиқ қилиш ва карталаштириш масалалари бир қатор ландшафтшунослар, тупроқшунослар, картографлар, геоморфологлар, экологлар, ерни масофадан зондлаш бўйича мутахассислар ва бошқа тадқиқотчиларнинг ишларида учрайди. Жумладан, хорижий олимлардан А. Aubreville, Н.Е. Dregne, U.Hellde'n, J.Hill, T.Hoffman, A.Osama, S.Zekai, P.Miklin, Tang Guo-an, M.Kassas, X.Lian, M.Glantz, L.R. Oldeman, R.T.A. Hakkeling, W.G. Sombroek, C. Zucca, R. Della Peruta, R. Salvia, S. Sommer, M.T. Cherlet, J. Reynolds, M. Stafford Smith, E. Lambin, B. Turner, M. Mortimore, S. Batterbury, T. Downing, H. Dowlatabadi, R. Fernandez, J. Herrick, E. Huber-Sannwald, H. Jiang, R. Leemans, T. Lynam, F. Maestre, M. Ayarza, B. Walker ва бошқалар шуғулланганлар. МДХ олимларидан В.Н. Сукачев, С.В. Викторов, В.С. Залетаев, А.Г.Бабаев, Н.Ф.Глазовский, Н.С. Орловский, Н.М.Новикова, Л.Я.Курочкина, А.Н. Золотокрилин, Г.В. Гелдиева ва бошқалар беқарорлашган ҳамда чўллашаётган экотизимларни ўрганишга муҳим ҳисса қўшган. Экотизимларни карталаштириш масалалари билан А.М.Берлянт, В.С.Тикунов, Ю.Ф.Книжников, И.К.Лурье, В.С.Столбова, Н.С.Харин, Е.И. Панков, хусусан, Оролбўйи ҳудудлари учун Е.А.Востокова, В.И.Кравцова, Г.С.Куст, А.В.Птичников ва бошқалар шуғулланган.

Республикамизнинг кўплаб географ ва экологлари томонидан Оролбўйи геотизимларининг трансформация жараёнлари ўрганилган. Ушбу йўналишга А.А.Рафиков, А.Бахиев, Т.Мирзалиев, Б.Жоллибеков, Р.М.Раззаков, Ф.Х.Ҳикматов, Б.Е.Аденбаев, А.Н.Нигматов, Н.И.Сабитова, А.К.Уразбоев, Ш.С.Зокиров, Э.Ю.Сафаров, В.А.Попов, Ш.М.Шарипов Н.К.Мамутов,

Ж.Жалғасбаев, К.Ж.Алланазаров, А.К.Курбаниязов, В.А.Рафиков, Б.Т.Қурбонов, С.Ж. Абдиреймов, И.Р.Турдимамбетов, Б.С.Тлеумуратова ва бошқаларнинг илмий ишлари бағишланган.

Кенг қамровли тадқиқот дастурлари доирасида фундаментал натижалар олинган бўлсада, бир қатор ландшафт-генетик боғлиқликлар, айниқса, Орол денгизининг қуриган туби ва чўллашиб бораётган Амударё дельтасининг янги шаклланган экотизимлари етарли даражада ўрганилмаган. Кўп зонали сунъий йўлдош тасвирларининг мавжудлиги билан боғлиқ янги инструментал имкониятларнинг пайдо бўлиши, географик ахборот ёндашувлари ва фазовий таҳлилларнинг ривожланиши беқарорлашган экотизимлар фаолиятининг муаммоларини чуқур ўрганиш учун янги имкониятлар яратди. Мазкур диссертация иши юқоридаги тадқиқотлардан ер усти экотизимларини табиий-географик ўрганиш ва уларни карталаштиришда янги усул, технологиялар ва концепциялар ишлаб чиқилганлиги билан фарқ қилади.

Диссертация мавзусининг диссертация бажарилган олий таълим муассасаси илмий ишлари режаси билан боғлиқлиги. Диссертация тадқиқоти Қорақалпоқ давлат университетининг илмий-тадқиқот ишлари режасига мувофиқ ГНТП-13-36-НИР «Масофадан зондлаш маълумотларини дешифрировка қилиш асосида Жанубий Оролбўйи ландшафтларининг трансформация жараёнларини оператив карталаштиришнинг геоахборот тизимларини яратиш» (2003-2005 йй.); ОТ-Ф6-007–«Ўзбекистоннинг шимоли-ғарбий қисмидаги эски дельта экотизимларининг ўзгариш қонуниятларини ўрганиш» (2007-2011 йй.) ва Ф-5-24-«Аридлашиш шароитида Ўзбекистоннинг шимоли-ғарбий қисмидаги эски дельта экотизимларининг ўзгариш динамикасини ўрганиш» (2012-2016 йй.) мавзусидаги лойиҳалар доирасида бажарилган.

Тадқиқотнинг мақсади Жанубий Оролбўйининг геоэкологик муаммоларини бартараф этиш учун космик мониторинг ва геоэкологик карталаштириш методологиясини такомиллаштиришдан иборат.

Тадқиқотнинг вазифалари:

Жанубий Оролбўйи экотизимларини ўрганиш ва беқарорлашган экотизимлар ҳақидаги тушунчалар асосида уларни типларга ажратиш усулларини ишлаб чиқиш;

масофавий зондлаш ва геоинформатика ёрдамида Жанубий Оролбўйи экотизимларининг трансформация турлари ва ҳарактерини ўрганиш;

геоахборот технологиялари ва фазовий маълумотлар базаларидан фойдаланган ҳолда трансформацияланган ва чўлланган экотизимларини геоахборот карталаштириш ва космик мониторинги усулларини такомиллаштириш;

GNSS технологияларидан фойдаланган ҳолда Амударё дельтасининг суғорилмайдиган қисмининг трансформация моделини ишлаб чиқиш;

геоэкологик таҳлил ва геоахборот карталаштиришнинг таклиф этилаётган ёндашувлари асосида Жанубий Оролбўйи экотизимларининг

трансформацияланадиган ҳолати ва ўзгариш тенденцияларини баҳолаш;
худуднинг геоэкологик ва фазовий таҳлили асосида арид дельталар учун ерлардан фойдаланишни оптималлаштириш концепциясини қўллаш.

Тадқиқотнинг объекти сифатида антропоген омиллар таъсирида беқарорлашган Жанубий Оролбўйи экотизимлари олинган.

Тадқиқотнинг предмети Жанубий Оролбўйининг замонавий экотизимлари трансформацияси ва геоэкологик муаммоларини карталаштириш ва космик мониторинг асосида бартараф этишнинг методологик жиҳатларини такомиллаштириш масалалари ҳисобланади.

Тадқиқотнинг усуллари. Ишда космик география, ландшафтшунослик, визуал-инструментал усуллар билан геоэкологик карталаштириш, комплекс карталаштириш, тизимли таҳлил билан бир қаторда муаллиф томонидан ишлаб чиқилган янги чўл экотизимларини оператив ландшафтли карталаштириш усулларида фойдаланилган. Масофавий зондлаш маълумотларига ишлов бериш турли хил дастурий платформаларда (IDRISI, ENVI, SAGA, GRASS, QGIS, ArcGis/SpatialAnalyst ва бошқалар), геофазовий маълумотлар базаларида (PostGre/PostGis) ва моделлаштириш воситаларида (NetLogo, GAMA) кўп зонали космик тасвирларни таснифлаш усуллари ёрдамида амалга оширилди.

Тадқиқотнинг илмий янгилиги қуйидагилардан иборат:

деградация ва чўлланишни ҳисобга олган ҳолда Жанубий Оролбўйи экотизимлари ўзгаришининг фазовий жараёнлари аниқланган ва улар асосида худудни геоэкологик зоналаштирилган;

масофавий зондлаш маълумотлари ва GNSS технологияларидан фойдаланган ҳолда дала тадқиқотлари асосида трансформациялашаётган ҳамда чўллашаётган экотизимларнинг мавзули геоэкологик карталари туркумини яратиш учун алгоритмлар ва дастурлар ишлаб чиқилган;

антропоген омилларни ҳисобга олган ҳолда ландшафт-генетик ёндашув асосида чўллашаётган экотизимларнинг ҳолати динамикасини баҳолаш (микдорий) усули ишлаб чиқилган ва Орол денгизининг қуриган тубидаги авандельта экотизимларининг янги шаклланган синфи аниқланган;

ўткинчи ва беқарор ландшафтларнинг янги синфини шакллантирувчи фазодаги бир нуқтада бир нечта ландшафт ҳосил қилувчи жараёнларнинг устма-уст қопланишидан иборат бўлган геоэкологик интерференция ҳодисаси аниқланган;

космик мониторинг асосида чўл худудларининг ландшафтини оператив карталаштириш усули таклиф қилинган ва ишлаб чиқилган;

арид худудлар ва арид зоналарнинг ўзлаштирилган дельталари учун мақбул кутбланиш концепцияси ишлаб чиқилган ва у асосида биохилма-хилликни сақлаш учун ерлардан оқилона фойдаланиш чора-тадбирлари ишлаб чиқилган.

Тадқиқотнинг амалий натижалари қуйидагилардан иборат:

космик маълумотлар асосида геоэкологик карталаштириш учун турли масштаб ва ишлаб чиқариш эҳтиёжларига мослаштирилган алгоритм ва

жараёнлар ишлаб чиқилган;

фазовий маълумотлар базалари ва текстураларни математик таҳлил усулларидадан фойдаланган ҳолда автоматлаштирилган оператив ландшафтли карталаштириш технологияси ишлаб чиқилган;

экотизимлар трансформациясининг тенденцияси карталарини яратиш учун биогеографик моделлар яратилган;

геоахборот технологиялари асосида Жанубий Оролбўйининг ирригация тармоқларини назорат қилувчи карталари яратилган;

“Қуйи Амударё давлат биосфера резервати” нинг геоахборот тизими ишлаб чиқилган.

Тадқиқот натижаларининг ишончилиги. Тадқиқот натижаларининг ишончилиги дала тадқиқотлари маълумотлари, ретроспектив картографик материаллар, масофадан зондлаш маълумотлари, шу жумладан кўп зонали сунъий йўлдош тасвирлари ва рельефнинг рақамли моделлари мажмуаларидан фойдаланиш, диссертация бўйича тадқиқот натижаларининг бошқа маҳаллий ва хорижий тадқиқотчиларнинг илгари нашр этилган натижаларига мувофиқлиги, геоинформатика ва маълумотларни қайта ишлашнинг замонавий исботланган усулларидадан фойдаланиш ҳамда тадқиқот натижаларини табиатни муҳофаза қилиш амалиётига муваффақиятли жорий этиш билан асосланади.

Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти. Тадқиқот натижаларининг илмий аҳамияти шундаки, Жанубий Оролбўйининг беқарор ва трансформацияланадиган ер усти экотизимларини геоэкологик карталаштириш технологик схемалари, Жанубий Оролбўйи худудининг замонавий ҳолати геоэкологик типлаштириш мезонлари ва чўллашаётган ландшафтлар учун текстураларни ажратган ҳолда масофадан зондлаш маълумотлари асосида оператив карталаштириш усуллари ишлаб чиқилган. Чўллашаётган экотизимларда тубдан янги ҳодиса – ландшафт интерференцияси ҳодисасининг аниқланганлиги ва ердан фойдаланиш структурасини экологик оптималлаштириш мақсадида мақбул ландшафтли кутбланишнинг янги концепцияси таклиф этилганлиги билан белгиланади.

Тадқиқот натижаларининг амалий аҳамияти масофадан зондлаш ва ГАТ технологиялари ёрдамида яратилган туркум карталар, ишлаб чиқилган геоинформатика моделлари ва технологиялар Оролбўйи трансформацияланаётган ва беқарор экотизимларни оптималлаштириш ва оқилона фойдаланишда ҳамда геоэкологик муаммоларини бартараф этишда хизмат қилиши билан белгиланади.

Тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши. Жанубий Оролбўйининг геоэкологик муаммоларини карталаштириш ва космик мониторинг асосида бартараф этишнинг методологик жиҳатларини такомиллаштириш бўйича олинган илмий натижалар асосида:

Жанубий Оролбўйи худудининг замонавий ҳолати геоэкологик районлаштирилган ва экотизимларнинг трансформация жараёнлари макон-замонда модели Қорақалпоғистон Республикаси экология ва атроф-муҳитни

муҳофаза қилиш қўмитаси амалиётида геоэкологик районлаштириш ва экотизимларни трансформациясини мониторинг қилишда фойдаланилган (Қорақалпоғистон Республикаси Экология ва атроф-муҳитни муҳофаза қилиш қўмитасининг 2022 йил 19-апрелдаги 01/18-1292-сонли маълумотномаси). Натижада, районлаштириш натижалари атроф-муҳитни муҳофаза қилиш ва чўллашишга қарши курашиш фаолиятини оптималлаштириш имконини берган;

масофавий зондлаш маълумотлари ва GNSS технологияларидан фойдаланган ҳолда дала тадқиқотлари асосида трансформациялашаётган ва чўллашаётган экотизимларнинг мавзули геоэкологик карталари туркумини яратиш учун ишлаб чиқилган алгоритмлар ва дастурлар Кадастр агентлигининг Қорақалпоғистон Республикаси бошқармаси амалиётида ер ресурслари мелиоратив ҳолатини мониторингини олиб боришда фойдаланилган (Ўзбекистон Республикаси Давлат солиқ қўмитаси ҳузуридаги Кадастр агентлигининг Қорақалпоғистон Республикаси бошқармасининг 2022 йил 20-апрелдаги №00014-сонли маълумотномаси). Натижада, ер ресурсларини карталаштириш методикасини, амалиётини такомиллаштириш ва ер ресурслари ҳолатини масофадан мониторинг қилиш ёрдамида ҳудуднинг табиий ресурслар салоҳиятини баҳолаш ишончилигини ошириш имконини берган;

антропоген омилларни ҳисобга олган ҳолда ландшафт-генетик ёндашув асосида чўллашаётган экотизимларнинг ҳолати динамикасини баҳолаш (микдорий) усули ишлаб чиқилиши ва Орол денгизининг қуриган тубидаги авандельта экотизимларининг янги шаклланган синфи аниқланиши Қорақалпоғистон Республикаси экология ва атроф муҳитни муҳофаза қилиш қўмитаси амалиётида чўллашаётган экотизимларни ҳолатини ва динамикасини мониторинг қилишда фойдаланилган (Қорақалпоғистон Республикаси Экология ва атроф-муҳитни муҳофаза қилиш қўмитасининг 2022 йил 19-апрелдаги 01/18-1292-сон маълумотномаси). Натижада, ишлаб чиқилган методикалар Орол денгизи қуриган қисмининг барқарорлашиши ва ҳўжалик фаолияти экологик экспертизасини ривожлантиришни такомиллаштириш имконияти яратилди;

Орол денгизининг қуриган тубидаги ўткинчи ва беқарор ландшафтларнинг янги синфини шакллантирувчи фазодаги бир нуқтада бир нечта ландшафт ҳосил қилувчи жараёнларнинг устма-уст қопланишидан иборат бўлган геоэкологик интерференция ҳодисасини аниқлаш натижалари Кадастр агентлигининг Қорақалпоғистон Республикаси бошқармаси амалиётида тупроқлар ва қишлоқ ҳўжалиги ерларини карталаштиришда фойдаланилган (Ўзбекистон Республикаси Давлат солиқ қўмитаси ҳузуридаги Кадастр агентлигининг Қорақалпоғистон Республикаси бошқармасининг 2022 йил 20-апрелдаги №00014-сонли маълумотномаси). Натижада, ер ресурсларининг таснифлаш типларини кенгайтириш орқали тупроқ ва қишлоқ ҳўжалиги карталарининг аниқлигини ошириш имконияти яратилган;

Оролбўйи чўллашаётган экотизимларининг ландшафтли картасини ишлаб чиқилган космик мониторинг асосида оператив тузиш усули Кадастр агентлигининг Қорақалпоғистон Республикаси бошқармаси амалиётида чўл-яйлов худудларининг катрталарини тузишда фойдаланилган (Ўзбекистон Республикаси Давлат солиқ кўмитаси хузуридаги Кадастр агентлигининг Қорақалпоғистон Республикаси бошқармасининг 2022 йил 20-апрелдаги 00014-сон маълумотномаси). Натижада, чўл-яйлов худудлари карталарини оператив тузиш ва масофадан зондлаш маълумотлари асосида карталаштириш самарадорлиги ҳамда чўл-яйлов карталарининг ишончлилигини ошириш имконини берган;

арид худудлар ва арид зоналарнинг ўзлаштирилган дельталари учун мақбул кутбланиш концепцияси асосида ишлаб чиқилган биохилма-хилликни сақлаш учун ердан оқилона фойдаланиш чора-тадбирлари Қорақалпоғистон Республикаси экология ва атроф-муҳитни муҳофаза қилиш кўмитаси амалиётида алоҳида муҳофаза этиладиган худудларни ташкил этишда амалиётга жорий этилган (Қорақалпоғистон Республикаси Экология ва атроф-муҳитни муҳофаза қилиш кўмитасининг 2022 йил 19-апрелдаги 01/18-1292-сон маълумотномаси). Натижада, Қуйи Амударё давлат биосфера резервати ва бошқа муҳофаза қилинадиган худудларни мақбул жойлаштириш имконини берган.

Тадқиқот натижаларининг апробацияси. Тадқиқот натижалари 11 та халқаро ва 6 та республика илмий-амалий анжуманларда муҳокамадан ўтказилган.

Тадқиқот натижаларини эълон қилиниши. Тадқиқот мавзуси бўйича 60 та илмий мақола чоп этилган, шулардан 3 та монография (хаммуаллифликда) Ўзбекистон Республикаси Олий аттестация комиссиясининг диссертациялар асосий илмий натижаларини чоп этиш учун тавсия этилган илмий журналларда 13 та, жумладан 11 та Республика ва 2 та хорижий журналларда нашр этилган.

Диссертациянинг тузилиши ва ҳажми. Диссертация кириш, тўртта боб, хулоса ва фойдаланилган адабиётлар рўйхати ҳамда иловалардан иборат. Диссертация асосий қисмининг ҳажми 194 саҳифани ташкил қилди.

ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ

Диссертациянинг кириш қисмида Ўзбекистон Республикаси ва жаҳонда ўтказилган илмий тадқиқотлар асосида диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурияти асосланган, мақсади ва вазифалари, тадқиқот объекти ва предмети ифодаланган, тадқиқотнинг Ўзбекистон Республикасида фан ва технологияларни ривожлантиришнинг устувор йўналишларига мослиги, тадқиқотнинг илмий янгилиги ва амалий натижалар баён этилган, олинган натижаларнинг ишончлилиги асосланган, илмий ва амалий аҳамияти ёритилган, тадқиқот натижаларининг амалиётга жорий этилиши, ишнинг апробацияси, чоп этилган натижалар ва диссертация тузилиши ва ҳажми бўйича маълумот берилган.

“Жанубий Оролбўйи геоэкологик ҳолатининг тизимли таҳлили” деб номланган **биринчи бобда** Жанубий Оролбўйи минтақасининг трансформацияланган экотизимларини ўрганишга геоэкологик ёндашувнинг табиий-географик, биогеографик асослари ва тамойиллари кўриб чиқилган. Геоэкологик тадқиқотларнинг стратегик мақсади табиатдан оқилона фойдаланиш ва ижтимоий соҳани ҳудудий ташкил этиш мақсадида табиий ҳамда антропоген ландшафтларнинг фазовий тузилиши ва функционал ташкил этилишини ўрганишдан иборат.

Ҳозирги кунда геоэкологик тадқиқотларнинг асосий йўналишлари аниқланган бўлиб, уларнинг объекти, асосан, экотизимлардир. Экотизимлар деганда, абиотик ва биологик қисмлардан ташкил топган табиий-ҳудудий комплекслар ёки биогеоценозлар тушунилади, уларда моддалар ва энергиянинг ташқи ҳамда ички айланишлари содир бўлади.

Денгиз регрессияси ва ноқулай иқлим шароитларида Амударё ҳамда Сирдарё оқими камайишининг салбий оқибатларининг дастлабки кўринишлари ўтган асрнинг 60-йилларидаёқ намоён бўла бошлаган, бироқ экологик офатнинг кенг эътироф этилиши фақатгина 80-90-йилларда бошланган. Орол денгизи оқими ёпиқ ҳавзасининг йирик ҳудудида, яъни Жанубий Орол денгизи минтақасида табиий ва антропоген омилларнинг биргаликдаги таъсири салбий оқибатларининг босқичма-босқич тўпланиши уларнинг эрозия асосида концентрацияси билан бирга кечади, натижада табиий муҳитнинг беқарорлашуви ҳодисаси вужудга келди. Беқарорлашган табиий муҳит шароити деганда В.С.Залетаев ички ландшафт ва ландшафтлараро боғлиқликлар ўзгарганини ёки бузилган ҳудудларни тушунишни таклиф қилди. Бундай ҳудудлар ландшафтларнинг юқори динамиклиги, тез-тез юз бериши, фитоценозлар ўзгаришининг олдиндан қийин башоратланиши ва барча экологик ўлчамларининг ўзгарувчанлиги билан тавсифланади.

Салбий табиий ва антропоген омилларни баҳолаш, тавсифлаш ва карталаштириш билан бир вақтда таъсирини ўрганишга Ўзбекистон ҳамда бошқа давлатлар олимларининг кўплаб ишлари бағишланган. Бундай ишлардан А.А.Рафиков, В.А.Попов, А.Б.Бахиев, Н.С.Глазовский, С.К.Кабулов, Н.М.Новикова, Б.Жоллибеков, В.С.Залетаев, А.Нигматов, Э.Ю.Сафаров, Н.И.Сабитова, Ж.Жалғасбаев, А.В.Птичников, А.К.Курбаниязов ва бошқаларнинг тадқиқотлари алоҳида аҳамият касб этади.

Табиий муҳит ҳолатини таҳлил қилиш асосида Жанубий Оролбўйи минтақасининг беқарорлашган табиий муҳитининг учта асосий ландшафт ва экологик муаммолари аниқланди:

- чўлланиш ва техноген Оролқум чўлининг пайдо бўлиши;
- яйловлар ва суғориладиган ерларнинг деградацияси, тупроқ эрозияси;
- сув ва ер ресурсларининг ифлосланиши ҳамда минерал тузлар концентрациясининг ошиши.

Геоэкологик ёндашув асосида Оролбўйи минтақаси геотизимларининг трансформацияланишини башорат қилишнинг асосий йўналишлари ва уларни башоратлашнинг аниқлиги ҳамда муддатлари нуқтаи назаридан юзага келиши мумкин бўлган услубий чеклашлари ёритилган.

Ҳозирги кунда аксарият тадқиқотчилар Орол экологик инқирозининг оқибатларини атрофдаги ландшафтларга салбий таъсирлари, иқлимий, геокимёвий, табиий-географик ва экологик ўзгаришларнинг босқичма-босқич тўпланиши йиғиндиси сифатида қарашмоқда. Бироқ, бизнинг фикримизча, Орол денгизи сув сатҳини ҳалокатли қисқаришининг замонавий босқичи бошқа турдаги табиий-ҳудудий мажмуага ўтишда ифодаланган геоэкологик шароитларнинг туб сифатли ўзгаришидан иборатдир.

Ўтган асрнинг 60-80 йиллари дегрессиясининг биринчи босқичида кўпгина тадқиқотчилар таъкидлаганидек, Орол денгизининг минтақавий иқлимий ва гидрологик таъсири, Амударё дельтасининг шимолий қисмидаги гидроморф экотоплари билан бирга барқарор ксерофит экотоплар шаклланишининг табиий жараёни юз беришига кўп жиҳатдан туртки бўлди. Ушбу жараён ҳар хил турдаги ксерофит ва галоксерофит жамоаларга эга қисман барқарорлашган қум ҳамда қумлоқ чизикларининг нисбатан кенг қаторлари ҳосил бўлишига олиб келди ва айнан шу ҳудудларда аср бошларида муваффақиятли фитомелиоратив ишлар олиб борилди. Шу билан бирга, Орол денгизи қуриган тубининг кейинчалик шаклланган участкалари, Орол сув юзасининг таъсири сезиларли даражада камайганида ўта заиф ўсимлик қоплами, тупроқ ҳосил бўлиш жараёнларининг деярли йўқлиги ва шўрланишнинг юқорилиги билан ажралиб туради.

Ландшафтнинг барқарорлигини қиёсий геоэкологик таққослаш усулидан фойдаланган ҳолда постаквал ҳудуднинг замонавий трансформацияланиш босқичи чўллашган авандельталар ва денгиз тузли тубининг экотизимлари ўртасида жойлашган плайя деб аталадиган хусусиятларга ўхшаш хусусиятларни намоиш этади.

Жанубий Оролбўйи экотизимлари ҳолатини таҳлил қилиш экотизимларнинг динамикасини, фитоценозларнинг ўзгаришини башорат қилишнинг қийинлиги, кўплаб экологик ўлчамларнинг ўзгарувчанлигини тасдиқлайди, бу эса, ўз навбатида, ички экотизим ўзаро боғлиқликларнинг ўзгаришига олиб келади ва табиий муҳитнинг беқарорлашувининг юқори даражасини тасдиқлайди.

Экотизимлар ҳолатини таҳлил қилиш ва баҳолашда тизимли ҳамда комплекс карталаштиришнинг замонавий усуллари билан фойдаланиш Жанубий Оролбўйининг беқарорлашган табиий муҳити масофавий-картографик мониторингини мунтазам олиб бориш имконини беради. Экотизимлар трансформациясининг турли темпи ва турли масштабдаги жараёнларига умумлаштирилган табиий-географик ёндашувлар Орол табиий офат зонасидаги беқарор чўлланиш ландшафтларни, хусусан, денгизнинг қуриб қолган тубидаги шаклланаётган геотизимларни карталаштиришнинг

ишончилигини оширади.

Диссертация ишининг **иккинчи боби “Геоэкологик муаммоларни ҳал қилишда беқарорлашган табиий муҳитни космик мониторинг ва геоахборот карталаштириш методологияси”** деб номланади. Мазкур боб беқарорлашган табиий муҳитни баҳолаш ва карталаштиришнинг услубий асосларини кўриб чиқиш билан бошланади. Шу билан бирга, экотизимларни ўрганишда геоэкологик ёндашувнинг мураккаблигига, хусусан, ландшафт-экологик карталаштиришнинг геоботаник жиҳатларига алоҳида эътибор берилади. Табиий муҳитни беқарорлаштиришнинг антропоген омилини ҳисобга олиш зарурлиги кўрсатилган, бунинг учун антропоген таъсирнинг тури, жадаллиги ва давомийлигини аниқлашни, шунингдек, маълум экзоген жараёнларнинг намоён бўлишини ўрганиш ва қайд этиш, жараённинг пайдо бўлиши ёки интенсификациянинг табиий, ёки антропоген сабабларини аниқлаш, модданинг ўтказиш механизмлари ва усулларини аниқлаш ҳамда натижада ўрганилаётган экотизимнинг, унга таъсир қилувчи ёки унга туташ бўлган экотизимларга таъсирини аниқлаш талаб этилади.

Контактли-масофавий усуллар космик маълумотлардан фойдаланишга асосланган бўлиб, уларни интерпретация қилиш контактли (ер усти) тадқиқотлар материаллари асосида амалга оширилади ва қуйидаги босқичларни ўз ичига олади: дала тадқиқотлари жараёнида маълумотларни йиғиш, барча йўналишлар ва тавсиф нуқталари кўрсатилган ҳақиқий маълумотларнинг ишчи картасини тузиш, йўналиш тавсифлари фақат масофавий маълумотни очиш схемаларини ва ишлаб чиқиладиган карталарни тўғрилаш учун хизмат қиладиган эталонли ҳамда батафсил маршрут тавсифлари билан ишлаш бўлиб ҳисобланади. Эталонли ва батафсил йўналишли тавсифлари умумлаштирилган экологик ва динамик қаторларни қуриш учун ҳам, инвентаризация карталари шартли белгиларини ишлаб чиқиш учун ҳам тизимлаштирилган (1-расм).

Экотизимларнинг ҳолатини баҳолаш турли вазиятлардан амалга оширилиши мумкин ва бу мураккаб тузилмаларнинг турли томонларини баҳолаш имкониятини яратади. Масалан, экотизимлар ҳолатини баҳолашнинг қуйидаги турларини ажратиш мумкин:

- экотизимлар фазовий тузилишининг антропоген бузилиш даражасини баҳолаш;
- экотизимлар алоҳида таркибий қисмларининг бузилишини баҳолаш;
- деградация ва чўлланиш даражасини баҳолаш;
- айрим хўжалик тадбирларини амалга оширишда экологик хавф даражасини баҳолаш;
- табиий ресурслар экотизимларининг ҳолати ёки деградациясини баҳолаш;
- экотизимларнинг антропоген ўзгаришлари натижасида экологик ва иқтисодий зарарини баҳолаш.



1-расм. Ретроспектив маълумотларни ҳисобга олган ҳолда оператив инвентаризация ландшафтли карталаштиришнинг технологик схемаси.

Жанубий Оролбўйи худудида олиб борилган геоэкологик тадқиқотларда асосий эътибор табиий ва табиий-антропоген экотизимлар фазовий тузилишининг барқарорлик даражасини ҳамда антропоген бузилиш даражасини баҳолашга қаратилди. Бундай баҳолаш экологик-биологик синфга тегишли бўлиб, кейинчалик улардан оқилона фойдаланиш учун бузилган экотизимларни муҳофаза қилиш ва тиклаш чораларини ишлаб чиқишга қаратилган.

Мазкур диссертацияда умумлаштирилган тадқиқотларда масофавий зондлаш маълумотлари кенг қўлланилган. Шу билан бирга, ландшафт-индикацион дешифрировка дедуктив жараён сифатида кўриб чиқилди, бунда баъзи асосий объектларни тўғридан-тўғри дешифрировка хусусиятлари бўйича ажратиш тасвирларда бевосита акс этмайдиган бошқа объектларни интерпретация қилишга ёрдам беради, яъни бундай объектлар билвосита дешифрировка белгилари билан аниқланади, бу, айниқса, беқарорлашган экотизимлар учун жуда муҳимдир.

Шунингдек, ландшафт-индикацион дешифрировка қилиш беқарорлашган табиий муҳитнинг масофавий-картографик мониторингида сунъий йўлдош маълумотларини таснифлашнинг геоахборот ёндашувлари учун асос бўлиб хизмат қилади. Масофавий-картографик мониторинг натижасида бу экологик шароитдаги ўзгаришларнинг даврий ва оператив равишда тузилган тизим ёки бир қатор карталаридир.

Экологик мувозанатнинг бузилишини аниқлайдиган табиий ва антропоген объектлардаги ўзгаришларнинг мажмуасини акс эттирувчи универсал оператив карталар катта амалий аҳамиятга эга. Шубҳасиз,

картографик таъминот етарлича бўлса, бундай оператив карталарни тузиш, асосан, космик маълумотни фақат камерал дешифровка қилиш асосида амалга оширилиши керак. Бунда космик ахборотни дешифровка қилишнинг автоматлаштирилган усулларидадан фойдаланиш мақсадга мувофиқдир.

Жанубий Оролбўйи ландшафт-экологик тадқиқотларида экотизимлар ҳолатини баҳолаш учун турли хил карталар ичидан экотизимлар ҳолатини экологик-биологик баҳолаш картасини ишлаб чиқиш мақсадга мувофиқдир.

Бундай баҳолаш картасини ишлаб чиқиш усули картада ажратилган замонавий экотизимларнинг контурларини табиий муҳитни бекарорлаштирувчи омилларнинг тақсимланиши ва экзоген жараёнларнинг ривожланиш босқичлари билан биргаликдаги таҳлилни ўз ичига олади. Геоэкологик карталаштириш учун атрибутив маълумотлар базаларини қуриш, фойдаланиш ва тузилиш тамойиллари ҳамда уларнинг техник ва амалий мақсадлардаги геоахборот тизимларининг маълумотлар базаларидан фарқи, жумладан, фазовий индексация мавжудлиги ва бир нечта сўровларни самарали қайта ишлаш, аниқ бўлмаган мантиққа асосланган сўровларни қайта ишлаш қобилияти, классик SQL сўровларининг предикатларни баҳолашнинг прологсимон семантикаси ва эксперт тизимлари (шу жумладан, Байес ҳисоблари) билан бирлаштириш имконияти, маълумотларнинг иерархик тузилишини қўллаб-қувватлаш, фазовий маскалар каби катта ўлчамли маълумотлар блоклари билан самарали ишлаш, масофавий зондлаш маълумотларини таснифлаш, темпораллик (яъни вақт омилидан фойдаланиш) ва ҳақозолар аниқланди.

Мазкур диссертацияда кўп зонали сунъий йўлдош тасвирларини минтақавий миқёсда геоэкологик таснифлаш муаммоси кўриб чиқилди. Ўрганилаётган ҳудуднинг ландшафт генезиси ва замонавий экотизим динамикасининг турли хусусиятларига эга бўлган соҳаларга олдиндан ажратиш, сунъий йўлдош тасвирларини кенг қўламли таҳлил қилишда сезиларли хатоларга олиб келадиган трансформацияланадиган ер усти экотизимларини таснифлашда априор ёндашув ўртасидаги тафовутни бартараф этиш имконини бериши исботланган. Маҳаллий геотизимларнинг масофавий зондлаш маълумотларини уларни дастлабки геоэкологик районлаштириш билан алоҳида таснифлаш космик ахборотни таҳлил қилиш ишончилигини ошириш имконини беради.

Илк маротаба арид зонанинг ўзлаштирилган дельталарида табиатдан оқилона фойдаланиш учун асос сифатида мақбул ландшафт қутбланишининг концепцияси таклиф қилинди.

Машҳур географ Б.С.Родоман (2002) экотизим стрессининг даражаси сифатида ландшафтнинг қутбланиш ўлчовини таклиф қилди. Бундай ҳолда бутунлай ажратилган интакт захиралар ва тўлиқ ўзлаштирилган агро ҳамда урболандшафтлари 100 % қутбланишга мисол бўла олади. Бир-бирига ўтиш билан қутбланиш даражаси пасаяди. Шу билан бирга, бу назарияни яратувчилар арид ҳудудларда табиатдан фойдаланишнинг ўзига хос хусусиятларини ҳисобга олмаган. Тўлиқ қутбланишга бир мисол сифатида

Жамбасқалға массивининг янги ўзлаштирилган ерларини кўриб чиқишимиз мумкин. Бунда табиий гидроморф компонентлар – тўқай ва бутазорлар экотизимда умуман мавжуд бўлмайди, унинг ўрнига шўрланган чекка ерлардан иборат экотон ҳосил бўлади. Шу билан бир вақтда, анъанавий ердан фойдаланиш усули мавжуд бўлганда, ушбу участкалар яхлит тизим сифатида ландшафтнинг ишлаши учун, экотизим саломатлиги учун сақланади.

Арид зонада агроландшафтларнинг мақбул кутбланиш концепцияси дала ва суғориш тармоқларини рационал жойлаштириш ҳисобига хўжалик ўзлаштириш зонасидаги қолдиқ дельта экотизимининг ажратилган ҳудудлари учун кафолатланган сув таъминотига асосланади. Аниқланишича, кўл тизимларидан шимолга қараб чўлланиш даражаси ошиб боради ва кенг ксерофит бўш ерлар пайдо бўлади. Шу билан бир вақтда, тўлиқ ҳайдалган майдонларда табиий дельта ўсимлик қопламани ривожлантириш учун керак бўладиган бўш жой йўқ, бегона ўтлар билан банд бўлган далаларнинг четидаги минимал майдонлар бундан мустасно. Демак, табиатни муҳофаза қилиш нуқтаи назаридан экин экиладиган ерлар билан табиий ландшафт ўртасида маълум даражада ўзаро боғлиқлик мавжуд бўлиб, у агроландшафтнинг мақбул парчаланишини ўз ичига олади.

Тўғри келадиган кутбланишнинг юқори чегараси гидрологик шартлар, яъни грунт сувларининг керакли сатҳи билан, минимал майдоннинг қуйи чегараси эса ўсимлик қопламаниннг ўзига хос турига боғлиқ бўлган аъзо фитоценозларнинг мавжудлиги шартлари билан белгиланади. Дельта ўсимликлари жамоаларининг парцеллалар нисбатан кичик ўлчамда бўлганда катта турдаги хилма-хиллигига эга барқарор ценозларини шакллантириш қобилияти унинг ўзига хос хусусиятидир, шунинг учун ҳатто сувни муҳофаза қилиш зоналарининг кичик ўлчамли экотоплари, ноқулай ерлар ва бўш ерлар ҳам экотизимнинг тугунларига айланиши мумкин.

